

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ТОЖИЕВ РУСТАМБЕК РАСУЛОВИЧ**

**КАРАУМБЕТ ВА БАРСАКЕЛЬМАС КЎЛИ ХОМ-АШЁ  
МАНБАЛАРИНИ БИШОФИТ, МАГНИЙ ГИДРООКСИД, ОКСИД  
ВА НАТРИЙ СУЛЬФАТГА КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of the abstract of dissertation doctor of science**

**Тожиев Рустамбек Расулович**

Караумбет ва Барсакельмас кўли хом-ашё манбаларини бишофит, магний гидроксид, оксид ва натрий сульфатга комплекс қайта ишлаш технологиясини яратиш.....

**Тожиев Рустамбек Расулович**

Разработка технологии комплексной переработки сырьевых ресурсов озер Караумбет и Барсакельмес на бишофит, гидроксид и оксид магния и сульфат натрия.....

**Tojiev Rustambek Rasulovich**

Development to technologies of the complex processing raw materials resource lake Karaumbet and Barsakelmes on bischofite, hydroxide and oxide magnesiums and sulphate sodium.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ТОЖИЕВ РУСТАМБЕК РАСУЛОВИЧ**

**КАРАУМБЕТ ВА БАРСАКЕЛЬМАС КЎЛИ ХОМ-АШЁ  
МАНБАЛАРИНИ БИШОФИТ, МАГНИЙ ГИДРООКСИД, ОКСИД  
ВА НАТРИЙ СУЛЬФАТГА КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.DSc/K72 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё-технология институти ва Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мирзакулов Холтура Чориевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий опонентлар:**

**Номозов Шафоат Сагтарович**  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**Реймов Ахмед Мамбеткаримович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Султонов Боходир Элбекович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «22» июл соат14<sup>00</sup> - даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99 871) 262 -79-90, факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru))

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99 871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2020 йил «17» июль куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» июлдаги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**Б.С. Закиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.С. Салиханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**С.А. Абдурахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда индустриал ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришнинг янги сифат босқичига ўтишда ҳар қандай давлат иқтисодиётини ривожлантириш ва техник жиҳатдан юксалтириш учун импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш вазифаси қўйилган. Бугунги кунда мамлакатнинг ривожланиши нафақат табиий бойликлар, балки унинг илғор технологиялари мавжудлиги билан ҳам изоҳланади. Бу жиҳатдан маҳаллий ресурсларни рақобатбардош маҳсулотларга қайта ишлашнинг инновацион технологиясини яратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон амалиётида табиий манбалар – шўр кўллар, денгиз суви ва тузли қатламлардан магний, натрий ва кальций тоза тузларини ишлаб чиқаришда хомашёдан тўлиқ фойдаланиш, шу орқали асосий маҳсулотларни арзонлаштиришни таъминловчи технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли атроф муҳитни яхшилаш чораларида табиий ресурслардан рационал фойдаланиш тадбирлари қонуний асосланган. Бу борада қуйидаги йўналишларда илмий-техник ечимларни асослаш, жумладан: кўллар рапаси ва қуруқ аралаш тузларини (ҚАТ) қўшимчалардан чуқур тозалаш усулини ишлаб чиқиш; магний ва натрий бирикмалари тозаланган эритмаларини олиш; кўлларни тозаланган рапаси ва қуруқ аралаш тузларини, сода ишлаб чиқариш чиқиндиси – дистиллер суюқлигини (ДС) бишофит, натрий сульфати ва хлориди, магний гидроксиди ва оксиди, гипс ва бўрга қайта ишлашнинг комплекс технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозирги кунда республикада Орол бўйи худудининг сульфат-хлоридли қатламлари, мирабилит ва астраханит, ундан ташқари кальцинацияланган сода чиқиндиси – ДСни ош тузи, натрий карбонат, буркеит, аммоний ва калий сульфат, дефолиант ва шўр тупроқни маҳкамловчи, цемент қўшимчасига қайта ишлаш бўйича муайян илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатнинг юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаси ва ҚАТни комплекс қайта ишлаш йўли билан бишофит, натрий сульфат, магний оксид, ош тузи, кимёвий чўктирилган гипс ва бўр олишнинг рационал технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265 сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишини VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Шўр кўллар намोकоби, денгиз суви ва табиий қатламларни ош тузи, бишофит, магний оксиди, натрий ва калий сульфатига қайта ишлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, US Magnesium LLC ва Mineral Research Development (АҚШ), Israel Chemicals Limited ICL ва Dead Sea Magnesium Ltd (Исроил), SDIC Xinjiang Luoboro Potash Co Ltd., Jinzhou Huacheng Magnezium Company ва Weifang Bell Chemical Co Ltd (Хитой), Rima Industrial (Бразилия), Magnohrom (Сербия), POSCO (Жанубий Корея), “Карабогазсульфат” ИБ (Туркменистон), Харьков политехника институти (Украина), Менделеев номидаги РКТУ ва Башқортостан Республикаси амалий тадқиқотлар институти (Россия), Тошкент кимё-технология институти ҳамда Умумий ва ноорганик кимё институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунёда кўллар аралаш рапаси, денгиз суви ва тузли қатламларни қатламларни қайта ишлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Юта штати Катта шўр кўли рапаси ҳамда Ўлик денгиз шўр сувини қуёш ҳавза-буғлатгичи ва вакуум-буғлатгич ускуналарини қўллаш орқали буғлатиш йўли билан бишофит олишнинг илмий асослари яратилган (Great Salt Lake Minerals Corp., Kaiser Refractories ва US Magnesium LLC, АҚШ, Dead Sea Magnesium Ltd, Исроил); денгиз сувини қуйдирилган доломит ёки оҳак билан аралаштириш ёки Сиваш кўли аралаш рапаси ва Волгоград бишофитини аммонийлаштириш йўли билан магний гидроксиди ва оксиди олиш усули ишлаб чиқилган (South Bay Salt Works Chula Vista, АҚШ ва Jinzhou Huacheng Magnezium Company, Хитой, “Бром” ОАЖ, Украина, “Каустик” ИЧБ, Россия); шўр кўллар номокоби ва денгиз сувлари чуқур қайта ишлаш йўли билан бирламчи (металл) магний, титанли ғалвир ва пўлат ишлаб чиқарилган (Rima Industrial Бразилия; Magnohrom, Сербия; POSCO, Жанубий Корея; Chaoyang Jinda Titanium Co. Ltd, Хитой); Кора-Богаз-Гол кўрфази устки ва пастки намокобларидан мирабилит, эпсомит ва бишофит ишлаб чиқарилган

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.arpet.ru/material/>, <http://www.mineral.ru/News/1669.html>, <https://edrid.ru/rid/217.015.e556.html>, <http://library.sgau.ru>, <http://elibrary.ru>, <http://wikipedia.org/wiki/>, <http://www.academia.ru>, <http://www.chemistry.or.jp/en>, <http://sciencedirect.com> ва бошқа манбалар.

(“Карабогазсульфат” ИБ, Туркменистон); кальцинацияланган сода чиқиндисини кальций ва натрий хлориди, карбонат ангидриди ва кальций оксиди, цемент қўшимчаси, дефолиант ва тупроқ маҳкамлагичига қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқилган (Стерлитамак “Сода”, “Лисичан сода” ОАЖ, Россия, Украина ва ТКТИ ва УНКИ, Ўзбекистон).

Дунёда кўллар аралаш тузлари, денгиз суви, сода чиқиндисидан натрий ва калий сульфати, натрий бикарбонати, натрий ва магний хлоридининг тоза тузларини олиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда: кўллар рапаси ва аралаш тузларини ҳар томонлама физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш; уларни қўшимчалардан тозалаш усулини ишлаб чиқиш; тозаланган рапани бишофит ва магний гидроксидга қайта ишлаш; сульфат-хлоридли тузни натрий сульфат ва хлорид, магний оксидга комплекс қайта ишлаш технологиясини яратиш; сода ишлаб чиқариш чиқиндиси – ДСни мақсадли маҳсулотларга қайта ишлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник адабиётларда сульфат-хлоридли номокоблар, шўр кўллар аралаш рапаси ва денгиз суви, минерал хомашёлар – доломит, брусит, серпентинитни натрий, магний ва калий бирикмаларига чуқур қайта ишлаш борасида катта ҳажмдаги маълумотлар мавжуд (Здановский А.Б., Шихеев Л.В., Каганович Ю.Я., Лужная Н.П., Дзенс-Литовский А.И., Соколов И.Д., Набиев М.Н., Осичкина Р.К., Тухтаев С., Умаров А.А., Мирзакулов Х.Ч., Эркаев А.У., Дадаходжаев А.Т., Бобокулова О.С., Кучаров Б.Х., Габдуллин А.Н., Нажарова Л.Н., Гаприндашвили В.Н., Григорьев А.Л., Chen Т.Т., Vaba А.А., Yildirim М.).

Я.Г.Вант-Гофф, Н.С.Курнаков, С.Ф.Жемчужный, А.Г.Бергманлар номокобдан бишофит, мирабилит, астраханит, карналлит, сильвинит, галит, арканит, глазерит, вантгоффит, кизерит синтези учун денгиз суви тахминий таркибига мос келувчи  $2\text{Na}^+$ ,  $2\text{K}^+$ ,  $\text{Ca}^{2+} \parallel \text{SO}_4^{2-} \ 2\text{Cl}^-$ ,  $\text{H}_2\text{O}$  системасини биринчи ўрганувчилари ҳисобланади. Аммо ҳар битта табиий тузлар кони ўзига хос (таркиби ва хоссалари ўзгарувчан бўлганлиги сабаб), шунинг учун маълум технологияни Караумбет ва Барсакельмас кўллари шароитларига тўғридан-тўғри қўллаб бўлмайдди. У ёки бу коннинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, уларни қайта ишлашнинг мақбул шароитларини танлаш учун алоҳида илмий ва технологик тадқиқотлар талаб этилади.

Бошқа вазифа – ДСни мақсадли маҳсулотлар олишда фойдаланиш ҳисобланади (Крашенников С.А., Шульгина Н.Л., Загидуллин Р.Н., Зозуля А.Ф., Наркевич И.П., Рамбергенов А.К., Искендеров А.М., Реймов К.Д.). Ҳозирги вақтда ушбу муаммо билан қатор илмий тадқиқот муассаса ва корхона лабораториялари шуғулланишмоқда. Масалан, А.М.Искендеров томонидан ДСни кўллаб паст навли ош тузини тозалаш ва цементга қўшимча олиш технологияси ишлаб чиқилган. К.Д.Реймов томонидан иккиламчи энергия фойдаланиб ДСни буғлатиш орқали натрий хлориди ва кальций хлориди суюқланмасини олиш усули ишлаб чиқилган. Биринчи маҳсулот сода ишлаб чиқаришига қайтарилади, иккинчиси тупроқ маҳкамловчиси сифатида ишлатилади. Х.Палвонов томонидан ДСни натрий хлоратда конверсиялаш йўли билан дефолиант олиш усули тавсия этилган.

Аммо Караумбет кўли мирабилити, рапаси ва ҚАТни жалб қилиш орқали ДСни кимёвий чўктирилган гипс ва тоза натрий хлориди номокобига қайта ишлаш бўйича маълумотлар йўқ. ДСни қайта ишлаш технологияси чиқинди ҳажмини қисқартириш, атроф муҳитнинг ифлосланиш даражаси ва асосий маҳсулот – кальцинацияланган сода таннархини камайтириш имконини беради.

**Илмий тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-6-274 «Қорақалпоғистон Республикаси Караумбет кўли рапасини комплекс қайта ишлаш» (2006-2008 йй.) ва ИД-2-003 «Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаларидан натрий хлорид, натрий сульфат, магний хлорид ва магний оксид ишлаб чиқаришни тажриба-саноат миқёсида ўзлаштириш» (2009-2010 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар, ундан ташқари ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва “ILM-FAN TECHNOLOGIYALAR” илмий ишлаб чиқариш корхонаси ўртасида тузилган «“Қўнғирот сода заводи” чиқиндилари – дистиллер суюқлиги ва фильтр-прессдаги шламни гипс, галит, кальций ва натрий нитрат ва магний сульфатга утилизация қилиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2010-2011 йй.) мавзусидаги 06/10-сонли хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистон кўллари рапаси ва қуруқ аралаш тузлари ва дистиллер суюқликни комплекс қайта ишлаш йўли билан бишофит, натрий сульфат, магний гидроксид (оксид) ва натрий хлорид олишнинг илмий асослари ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

рапалар, ҚАТ ва ДСни кимёвий ва туз таркибларини ҳамда физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини ёзги буғлатиш ва қишқи чўктириш жараёнларини тадқиқ этиш;

Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини ДС, натрий карбонати ва барий хлориди ёрдамида тозалаш жараёнини тадқиқ қилиш;

Караумбет ва Барсакельмас кўллари тозаланган рапасини 2-босқичли буғлатиш усулида натрий хлорид ва бишофит кристалларини олиш жараёнини тадқиқ этиш;

Караумбет ва Барсакельмас кўллари тозаланган рапасидан магний гидроксид олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

тозаланган ҚАТ эритмасини тайёрлаш ва сувсиз натрий сульфатни олиш жараёнининг мақбул параметрларини аниқлаш;

натрий ва магний хлоридли тозаланган ҚАТ эритмасидан магний оксиди олиш жараёнини тадқиқ қилиш;

ДСни кимёвий чўктирилган гипс ва натрий хлориднинг тозаланган номокобига қайта ишлаш жараёнини тадқиқ этиш;

Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаси ва ҚАТ ҳамда “Қўнғирот сода заводи” УК чиқиндиси - ДСни комплекс қайта ишлаш асосида бишофит,

натрий сульфат, магний гидроксид ва оксид, кимёвий чўктирилган гипс ва бўр олиш технологиясининг техник-иқтисодий ҳисоблари ва тажриба синовларини ўтказиш; технологик тизимни ишлаб чиқиш, моддий балансни тузиш;

Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаси ва ҚАТ базасида натрий, магний ва кальций бирикмалари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун меъёрий-техник ҳужжатлар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаси ва ҚАТ, ДС, кальцинацияланган сода, кальций сульфат ва карбонат, бишофит, натрий хлорид, мирабилит, натрий сульфат, магний гидроксид ва оксиддан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини ёзги буғлатиш ва қишқи чўктириш, рапа, ҚАТ ва ДСларини қўшимчаларидан тозалаш, бишофит, магний гидроксид (оксид) ва натрий сульфат олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида кимёвий ва физик-кимёвий (рентгенографик, термогравиметрик, ИҚ-спектроскопик) таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

$2\text{Na}^+$ ,  $\text{Mg}^{+2}$ // $2\text{Cl}^-$ ,  $\text{SO}_4^{-2}$  -  $\text{H}_2\text{O}$  эрувчанлик системаси таҳлили асосида кўллар рапасини табиий (ёзги) шароитда концентрлаш ва қишқи чўктиришда натрийли тузлар кристаллашни олдиндан аниқланган;

Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини ДС, натрий карбонат ва барий хлорид ёрдамида қўшимчадан чуқур тозалаш ёрдамида кальций ва сульфатли ионларни йўқотиш орқали чуқур тозалаш мумкинлиги асосланган;

Тозаланган Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасидан ҳар бир босқичда камида 98% тозаликдаги  $\text{NaCl}$  ва 99,5%  $\text{MgCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  тутган бишофит кристалларини олишга имкон берувчи икки босқичли буғлатиш усули ишлаб чиқилган;

Караумбет ҚАТ эритмасидан мирабилитни кристаллаш ва мирабилитни юқори навга мос келадиган натрий сульфат олишда қиздиришнинг ҳарорат оралиғи аниқланган;

Караумбет ва Барсакельмас кўли тозаланган рапаси ва ҚАТни нейтраллаш йўли билан Давлат андозалари талабларига жавоб берадиган магний гидроксид ва оксид олиш жараёнининг мақбул шароитлари аниқланган;

ДСни қурилиш ва кальцинацияланган сода ишлаб чиқаришида қўлланиладиган гипс ва тоза натрий хлорид номокобига қайта ишлаш усули ишлаб чиқилган;

Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаси ва ҚАТ, соданинг йирик тоннажли чиқиндиси – ДСни қайта ишлаш йўли билан бир вақтнинг ўзида натрий сульфат ва хлорид, кальций сульфат ва карбонат ажратиш орқали бишофит, магний гидроксид (оксид) олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тоза натрий хлориди ва бишофит кристалларини олиш мақсадида Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини қўшимчалардан тозалаш ва уларни икки босқичли буғлатишнинг янги усули ишлаб чиқилган;

Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини қишлоқ хўжалигини импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминловчи бишофит ва магний гидроксидга қайта ишлаш технологияси яратилган;

Караумбет ҚАТ ва ДСни ювувчи воситалар, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материали ва кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш учун мўлжалланган юқори тозаликда натрий сульфат, магний оксид, кальций сульфат ва карбонат, натрий хлорид номокобига комплекс қайта ишлашга имкон берадиган мосланувчан технологик тизим ишлаб чиқилган;

Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаси ва ҚАТни комплекс қайта ишлаш асосида қўшимча равишда гипс, бўр ва натрий хлорид олиш билан бирга асосий маҳсулотлар: бишофит, натрий сульфат, магний гидроксид (оксид) ишлаб чиқариш учун меъёрий-техник ҳужжатлар (вақтинчалик технологик регламент, лойиҳалашга дастлабки маълумотлар) тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижаси тажриба-синов далолатномаларида тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини қайта ишлаш асосида бишофит ва магний гидроксид олиш; Караумбет ҚАТни комплекс қайта ишлашда бир вақтнинг ўзида гипс, бўр ва галит олиш орқали юқори навли натрий сульфат, магний оксид олиш; ДС – сода ишлаб чиқариши чиқиндисини кимёвий чўктирилган гипс ва натрий хлорид номокобига қайта ишлашга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаси ва ҚАТни қайта ишлаш асосида хлоратмагнийли дефолиант ва ёпишқоқлиги бўлмаган аммиакли селитра ишлаб чиқаришларини бишофит ва брусит, ювувчи воситалар ишлаб чиқаришини эса юқори навли натрий сульфат билан таъминлаш имконини беради. ДСни гипс ва натрий хлоридга утилизация қилиш чиқинди ҳажмини камайтириш, регионда экологик вазиятни яхшилаш ва асосий маҳсулот – кальцинацияланган сода таннархини пасайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаси ва ҚАТ, ҳамда ДСни магний хлорид, натрий сульфат, магний гидроксид (оксид), кальций сульфат ва карбонатга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

натрий сульфатни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ихтиро патенти олинган (04470, 2012й.). Натижада сульфат-хлорид типигаги маҳаллий тузли қатламларни турли хил ювувчи воситаларнинг таркибига кирувчи юқори навли натрий сульфатга қайта ишлаш имконини берган;

Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаси, ҚАТни магний, натрий ва кальцийга комплекс қайта ишлаш технологияси «Farg'onaazot» АЖнинг

истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Uzkimyosanoat» АЖнинг 22 май 2020 йилдаги 14-2353 - рақамли маълумотномаси). Натижада халқ хўжалиги муҳим маҳсулотлари – магний хлорид ва оксид, натрий сульфат ва хлорид, кальций карбонат олиш имкони берган;

ДСни мирабилит ёрдамида кальций сульфат ва натрий хлоридга қайта ишлаш технологияси «Farg'onaazot» АЖнинг истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Uzkimyosanoat» АЖнинг 22 май 2020 йилдаги №14-2353 - рақамли маълумотномаси). Натижада йирик тоннали чиқиндини фойдаланиш ва атроф-муҳитни яхшилаш имкони берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 таси монография, 2 та ихтирога Ўзбекистон Республикаси патенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда **«Магний ва натрий бирикмалари: эҳтиёж, қўлланилиши ва уларни олиш усуллари»** шарҳи келтирилган бўлиб, унда бишофит, магний гидроксид ва оксид, натрий сульфат ишлаб чиқариш ҳолати ва уларнинг фойдаланиш соҳалари, ундан ташқари хомашё материаллари таснифи берилган. Магний хлорид ва гидроксид (оксид) ва натрий сульфат олиш усуллари кўрилган, ундан ташқари денгиз типига сульфат-хлоридли номокоблардан натрий, магний ва калий хлорид ва сульфатлар олишни асословчи системалар ўрганилганлиги таҳлил қилинган. Сода ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш бўйича илмий ишлар шарҳланган. Шўр қўллар номокоби, денгиз суви ва тузли қатламларни қайта ишлаш бўйича тадқиқотлар комплексини тўла кўриб чиққан ҳолда ишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Иккинчи боб «Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини табиий концентрлаш ва хамроҳ кўшимчалардан тозалаш» Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини ёзги буғлатиш ва қишқи чўктириш, ундан ташқари уларни тозалаш жараёнлари тадқиқотларига тааллуқлидир.

Караумбет конида иккита турдаги хомашё: рапа ва ҚАТ мавжуддир. Рапанинг В+С<sub>1</sub> категориялари бўйича ўзлаштириш учун яроқли ҳисобланган захираси 1506,3 минг т ни ташкил этади, улардан 504,07 минг т галитли туз ва 1002,2 минг т магний хлорид ва сульфат аралашмасига тўғри келади. ҚАТ захираси 4009 минг т ни ташкил этади, улардан 754 минг т NaCl, 2452 минг т Na<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>, 613 минг т MgCl<sub>2</sub> ва 4,74% қолган компонентларга тўғри келади. Уларда MgCl<sub>2</sub> умумий захираси 700 минг т ёки 295 минг т MgO этиб баҳоланган. Рапа ўртача (оғир. %): MgSO<sub>4</sub> – 5,46; MgCl<sub>2</sub> – 5,45; NaCl – 18,36; H<sub>2</sub>O – 60 яқин, ҚАТ эса: NaCl – 18,8; Na<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> – 61; MgCl<sub>2</sub> – 15,28 тутган. ҚАТ ни кўлнинг кўп йиллик сув буғланиши натижасида қуригандан ҳосил бўлган маҳсулот сифатида қараш мумкин.

Барсакельмас кони қаттиқ тузларининг А+В+С<sub>1</sub> категориялари бўйича тасдиқланган миқдори 131 053 минг т (96,32% NaCl), улардан 121 202 минг т сода ва ош тузи ишлаб чиқариши, 9851 минг т эса озуқа мақсадлари учун яроқлидир. Рапа асосан натрий ва магний хлорид ва сульфатлардан ташкил топган, уларнинг ўртача таркиби: NaCl – 25%, MgCl<sub>2</sub> – 2,3%, MgSO<sub>4</sub> – 2,42% ва 70% H<sub>2</sub>O. Магний тузларининг умумий захираси 2470 минг т MgCl<sub>2</sub> ёки 1040 минг т MgO ҳажмда баҳоланган. Улар Барсакельмас рапада Караумбет рападан 2-3 баробар камдир. Демак, NaCl миқдори юқори, бу Na<sup>+</sup>, Mg<sup>2+</sup> // SO<sub>4</sub><sup>-2</sup>, Cl<sup>-</sup> – H<sub>2</sub>O системаси бўйича маълумотлар базасига мувофиқ келади.

Рапа ва ҚАТда кальций ва уч валентли металллар мутлақо йўқ. Кимёвий-минералогик ва физик таснифлар бўйича рапа (рН = 6-7; ρ = 1,15-1,35 г/см<sup>3</sup>, η = 2-5 сПз, t<sub>кайнаш</sub> = 102-106°С) бишофит ва магний оксид, ҚАТ эса улардан ташқари натрий сульфат олиш учун яроқли ҳисобланади.

Ҳар хил ҳароратларда Na<sup>+</sup>, Mg<sup>2+</sup> // Cl<sup>-</sup>, SO<sub>4</sub><sup>-2</sup> - H<sub>2</sub>O маълум бўлган эрувчанлик системаси таҳлили асосида денгиз типдаги Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини табиий (ёзги) шароитларда буғланиши шароитида концентрлашни олдиндан белгилаш мумкин. Система маълумотларидан келиб чиқадики, агарда қишқи вақтда рапа танлаб олинса, унда NaCl·2H<sub>2</sub>O и Na<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>·10H<sub>2</sub>O чўкиши натижасида у кўп MgCl<sub>2</sub> тутади. Системани кўриб чиққан ҳолда, номокоблардан сув буғланиш жараёнининг ҳаракатланувчи кучи олдиндан аниқланади.

Ёзги буғлатиш (80 сутка давомида) бўйича тажрибалар Караумбет кўли яқинидаги очиқ майдонда ўтказилди, бунда қуёшли ҳавзалар – металллик сифимлар кўлланилди, унга 0,424 ва 0,546 м<sup>3</sup> ҳажмда мос равишда Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаси қуйилди. Бу даврда Караумбет рапаси баландлиги ва ҳажми 21,3 см ва 0,2902 м<sup>3</sup> га камайди, MgCl<sub>2</sub> концентрацияси эса 6,88 дан 17,41% гача ортди. Бу вақтда Барсакельмас рапаси ҳажми 0,5646 дан 0,2561 м<sup>3</sup> гача камайди, рапа қалинлиги 40,33 дан 18,29 см гача пасайди, MgCl<sub>2</sub> концентрацияси эса 3,80 дан 17,33% гача ортди, натижада чўкмага 24,98% NaCl ажралиб чиқди.

Юқорида келтирилган система таҳлили шундан далолат берадики, қишқи чўкиш шароитида, яъни паст ҳароратларда рападан  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  максимал чўкади. Караумбет кўли рапасидан  $\text{NaCl}$  ёзги чўкишидан кейинги  $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$  тушишига ҳарорат таъсири ўрганилди. Масалан, ҳароратнинг  $30^\circ\text{C}$  дан  $-10^\circ\text{C}$  гача пасайиши билан  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  миқдори 7,26 дан 0,54% гача,  $\text{NaCl}$  3,98 дан 1,61% гача камаяди,  $\text{MgCl}_2$  эса 19,69 дан 23,31% гача ортади. Чўкма  $\text{NaCl}$  ва  $\text{MgSO}_4$  аралашмали  $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$  дан иборат бўлади. Барсакельмас рапасини  $-5 \div -10^\circ\text{C}$  гача совитишда  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  миқдори 0,13-0,53% гача камаяди,  $\text{NaCl}$  ва  $\text{MgCl}_2$  миқдори 26,20-26,43% ва 4,01-4,05% гача, қаттиқ фазага  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  ажралиш чикими 81,14-95,37% гача ортади.

Шундай қилиб,  $\text{NaCl}$  ни ёзги чўктириш ва  $10^\circ\text{C}$  дан  $-5^\circ\text{C}$  гача ҳарорат оралиғида қишқи чўктириш йўли билан бишофит олиш учун яроқли бўлган 22-23%  $\text{MgCl}_2$ , 2-3%  $\text{NaCl}$  ва 0,54-4,21%  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  таркибли эритмалар олиш мумкин. Барсакельмас кўли рапасини табиий буғлатишдан сўнг 14-17%  $\text{MgCl}_2$ , 7-9%  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  ва 6-7% гача  $\text{NaCl}$  тутган эритмалар олинади. Чўкмага тушган  $\text{NaCl}$  ва  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  кристаллари тоза тузлар ишлаб чиқаришида ишлатилади.

Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини мос равишда 24-1,55 ва 1,245-1,288  $\text{г/см}^3$  зичликгача мажбурий буғлатиш, кейинчалик  $40^\circ\text{C}$  гача совитиш жараёни тадқиқ этилди. Кўрсатдики, Караумбет рапасини 1,240  $\text{г/см}^3$  дан 1,550  $\text{г/см}^3$  зичликгача концентранганда суюқ фазада магний хлорид миқдори 7,20 дан 28,24% гача ортади (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Буғлатиш даражасига боғлиқ равишда ва кейинчалик $40^\circ\text{C}$ да совитишда Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапаси таркиби

Зичлик, $\text{г/см}^3$	Суюқ фаза таркиби, оғир. %					$\text{Na}^+ : \text{Mg}^+$
	$\text{Na}^+$	$\text{Mg}^{+2}$	$\text{Cl}^-$	$\text{SO}_4^{-2}$	$\text{MgCl}_2$	
Караумбет кўли рапаси						
1,240	8,05	3,27	17,72	6,66	7,20	2,45
1,295	5,08	3,78	18,45	6,98	15,08	1,37
1,340	4,22	4,39	19,17	6,78	18,97	0,96
1,360	4,39	4,23	20,56	6,67	19,78	1,04
1,400	3,01	4,40	21,43	6,17	22,51	0,68
1,450	1,85	6,42	21,17	5,95	24,51	0,29
1,510	0,93	7,03	20,25	5,31	27,57	0,13
1,550	0,91	7,20	20,13	5,63	28,24	0,13
Барсакельмас кўли рапаси						
1,245	8,90	2,77	16,9	4,21	10,9	3,21
1,246	6,40	2,97	12,9	4,66	11,6	2,16
1,276	6,20	2,97	15,9	4,68	11,6	2,09
1,290	5,01	3,72	13,9	6,01	14,6	1,35
1,295	4,44	4,46	15,8	7,58	17,5	1,00
1,288	3,38	4,29	15,7	7,69	16,8	0,79

Натрий ионлари миқдори эса 8,05 дан 0,91% гача,  $\text{SO}_4^{-2}$  6,66 дан 5,63% гача,  $\text{Na}:\text{Mg}$  нисбати 2,45 дан 0,13 гача камаяди.

Барсакельмас рапасини 1,245 дан 1,295 г/см<sup>3</sup> гача буғлатишда магний хлорид миқдори 10,9 дан 16,8% гача, SO<sub>4</sub><sup>-2</sup> - 4,21 дан 7,69% гача, натрий ионлари эса аксинча 8,90 дан 3,38% гача ва Na : Mg 3,21 дан 0,79 гача камаяди, бунда NaCl кристаллари қаттиқ фазага чўкади.

Таъкидлаш лозимки, ҳароратнинг 20°С гача пасайиши NaCl чўкиш даражасига таъсир кўрсатмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам қаттиқ фазада Na<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> ва CaSO<sub>4</sub> кўринишидаги сульфат ионлари пайдо бўлади. Рапа концентрланиши давомида сульфат ионлари миқдори 0,36% (1,360 г/см<sup>3</sup>) дан 3,54% (1,550 г/см<sup>3</sup>) гача ортади.

Технологик нуқтаи назардан, натрий хлоридни тоза ҳолатда ажратиб олиш афзал ҳисобланади. Ундан келиб чиққан ҳолда, рапани буғлатиш жараёни кетма-кет тартибдаги 2 поғонада олиб борилди. 1-чи босқичда 1,245 г/см<sup>3</sup> дан 1,36 г /см<sup>3</sup> гача, 2-чи босқичда NaCl чўкмаси ажратиб олингандан сўнг 1,36 г/см<sup>3</sup> гача буғлатилди. Буғлатиш биринчи босқичидан кейин рапа суюқ фазасида MgCl<sub>2</sub> концентрацияси 14-15%, иккинчида эса 19-19,5% ташкил этди. Иккала босқичда фақатгина 98% дан кам бўлмаган NaCl чўкади.

Рапа таркибида сульфатли ионлар борлиги, уни тўғридан-тўғри бишофитга қайта ишлашга тўсқинлик қилади. Шу сабабли кейинги босқичнинг вазифаси ёзги чўкишгача (6,28% MgCl<sub>2</sub>, 20,37% NaCl, 8,33% MgSO<sub>4</sub>) ва чўкишдан кейинги Караумбет (17,41% MgCl<sub>2</sub>, 21,37% NaCl, 5,41% MgSO<sub>4</sub>) ҳамда Барсакельмас (4,13% MgCl<sub>2</sub>, 23,05% NaCl, 2,54% MgSO<sub>4</sub>) кўллари рапасини таркибида 8,41% CaCl<sub>2</sub> ва 5,54% NaCl бўлган ДС ёрдамида сульфатсизлантириш жараёнини ўтказиш талаб этилди. Жараён ДС меъёри (75 дан 110% гача SO<sub>4</sub><sup>-2</sup> ни CaSO<sub>4</sub> гача боғлаш учун), аралаштириш давомийлиги (5 дан 180 дақиқагача) ва ҳароратга (20 дан 60°С гача) боғлиқ равишда ўрганилди. Аралаштиргичнинг айланиш тезлиги – 250 айл./дақ. Аниқландики, 5-20 дақиқа оралиқда рапа сульфатсизланиши жадал кетади, кейин кескин пасаяди. Масалан, ДС меъёри – 100% ва 20°С ҳароратда 5 дақиқадан сўнг Караумбет рапаси (чўктиришдан кейинги) сульфатсизланиш даражаси 58,37%, 20 дақиқада 88,59%, 30 дақиқада 89,8%, 60 дақиқада 90,33% ни ташкил этади, 180 дақиқадан сўнг эса атиги 0,48% га ошади. Ҳарорат кўтарилиши сульфатсизланиш даражаси камайишига олиб келади. Масалан, 20, 40 ва 60°С ҳароратларда рапанинг сульфатсизланиш даражаси 5 дақиқадан сўнг мос равишда 58,37; 54,93 ва 50,88%, 30 дақиқадан сўнг 89,80; 84,50 ва 78,27% ва 60 дақиқадан сўнг 90,33; 85,40 ва 79,21% ни ташкил этади. Бу CaSO<sub>4</sub>·2H<sub>2</sub>O нинг сувдаги қисман эрувчанлиги билан боғлиқдир (20; 40 ва 60°С да 0,206; 0,214; 0,23 г/100г H<sub>2</sub>O). ДСнинг 100% дан ошиқ меъёрида, гарчанд сульфатсизланиш даражаси ошганда, рапанинг кальций ионларидан тозаланиш зарурати келиб чиқади. Сульфатсизлантириш шароитлари аниқланди: ДС меъёри – 100-105%, вақт – 20-30 дақиқа ва ҳарорат – 20-30°С, бунда рапанинг 90-92 %-ли сульфатсизланиши таъминланади (2-жадвал).

Рапа турига боғлиқ мақбул шароитда сульфатсизланган эритмада SO<sub>4</sub><sup>-2</sup> миқдори 0,189-0,30% оралиқда ўзгаради. Гипсли суспензия енгил филтрланади, гипс филтрланиш тезлиги куруқ чўкмада 600-800 кг/м<sup>2</sup>·соат. Барсакельмас кўли рапасида шунга ўхшаш натижалар кузатилди.

**Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасининг сульфатсизланиш даражаси ва суюк фаза таркибининг дистиллер суюқлиги меъёрига боғлиқлиги**

ДС меъёри, %	Ионли таркиб, оғир. %					Тузли таркиб, оғир. %				$\gamma_{SO_4^{2-}}$ , % нисб.
	Na <sup>+</sup>	Mg <sup>2+</sup>	Ca <sup>2+</sup>	Cl	SO <sub>4</sub> <sup>-2</sup>	MgCl <sub>2</sub>	NaCl	CaCl <sub>2</sub>	MgSO <sub>4</sub>	
<b>Караумбет кўли рапаси</b>										
75	5,80	1,99	0,15	14,36	1,37	6,51	14,75	0,40	1,71	67,10
90	5,65	1,80	0,13	14,21	1,24	6,69	14,20	0,36	1,22	80,00
100	5,43	1,77	0,12	13,86	0,29	6,72	13,82	0,34	0,36	92,30
105	5,36	1,73	0,15	13,75	0,18	6,66	13,63	0,43	0,23	95,00
110	5,29	1,69	0,21	13,64	0,14	6,54	13,44	0,58	0,18	96,00
<b>Ёзги чўкишдан кейинги Караумбет кўли рапаси</b>										
75	6,15	4,18	0,30	23,82	1,46	14,94	15,64	0,84	1,83	51,06
90	5,85	3,97	0,21	23,53	0,76	14,35	14,88	0,58	1,53	61,27
100	5,66	3,84	0,13	23,35	0,30	14,75	14,40	0,35	0,37	89,28
105	5,56	3,78	0,15	23,26	0,22	14,60	14,14	0,42	0,28	91,84
110	5,48	3,72	0,19	23,18	0,20	14,39	13,94	0,54	0,24	92,69
<b>Барсакельмас кўли рапаси</b>										
75	7,55	1,37	0,26	19,68	1,25	4,13	19,20	0,73	1,56	50,03
90	7,31	1,32	0,06	20,11	0,41	4,77	18,59	0,18	0,51	83,14
100	7,15	1,29	0,10	20,37	0,24	4,82	18,19	0,28	0,30	89,80
105	7,08	1,28	0,13	20,50	0,19	4,83	18,01	0,36	0,24	91,60
110	7,00	1,27	0,17	20,63	0,17	4,81	17,80	0,46	0,21	92,50
125	6,79	1,23	0,28	20,99	0,13	4,68	17,29	0,78	0,17	93,84
150	6,47	1,17	0,46	21,55	0,09	4,51	16,46	1,27	0,11	95,56


Бишофит ва NaCl таркибини турли даражада ифлослайдиган кальций ва сульфат қолдиқ ионларидан кўллар рапасини чуқур тозалаш мақсадида охирги ишлов беришни Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub> ва BaCl<sub>2</sub> ёрдамида амалга оширилди. Кальций ионларини йўқотишда қўланиладиган Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub> миқдори стехиометриядан 75-125% меъёр, 1000 кг рапага нисбатан 7,52-12,53 кг оралиғида ўзгартирилди. Бунда жараён ҳарорати – 25°С ва таъсирлаштириш давомийлиги – 15-20 дақиқани ташкил этади.

Қолдиқ сульфатлардан тозалаш барий хлориднинг 100 %-ли меъёрида ўтказилди, бунда сульфатсизланиш даражаси 99,5% га етади, SO<sub>4</sub><sup>-2</sup> миқдори эса 0,001% дан ошмайди. Шундай қилиб, сульфат ва кальций ионларидан тозаланган эритмалар бишофит олиш учун яроқлидир, уни олиш жараёни диссертациянинг келгуси бобида кўриб чиқилади.

Учинчи боб «**Караумбет ва Барсакельмас кўли тозаланган рапаларини магний хлоридига қайта ишлаш**» бишофит олиш технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган. Бунда таркиби 9,12% MgCl<sub>2</sub> ва 15,49% NaCl бўлган тоза рапани буғлатиш 2 поғонада 100°С ва 40 мм сим.уст. босимда NaCl чўкмасини оралиқ ажратиш орқали амалга оширилди.

Кўрсатдики, буғлатилган сув миқдори 30 дан 45,6% гача (100 кг рападан 30 дан 45,6 кг гача Н<sub>2</sub>О) ортиши билан номокобда магний хлорид

концентрацияси 9,12 дан 24,01% гача ошади, натрий хлорид эса чўкмага тушиши натижасида 15,49 дан 8,01% гача камаяди (1-расм, а).



**1-расм. Буғлатишнинг биринчи (а) ва иккинчи (б) босқичидан сўнг рападаги NaCl ва MgCl<sub>2</sub> концентрациясини буғлатилган сув миқдорига боғлиқлиги.**


Натрий хлорид кристалланиши NaCl ва MgCl<sub>2</sub> эрувчанлиги фарқи билан боғлиқдир (100г сувда NaCl эрувчанлиги 20°С да – 35,87г, 80°С – 38,12г, MgCl<sub>2</sub> эрувчанлиги 20°С – 54,5г, 100°С – 73,0г). Бунда номокобдаги С:Қ нисбати 35,6 дан 3,9 гача камаяди, зичлик эса 1,250 дан 1,422 кг/см<sup>3</sup> гача ортади. Номокобни Ж:Т = 3,7 дан кичик ва 1,45 г/см<sup>3</sup> дан ошиқ буғлатилиши, унинг буғлатиш ускунасидаги циркулясини ва ташилишини, ундан ташқари NaCl чўкмасини ажратишни сезиларли қийинлаштиради.

Шу сабабли буғлатиш биринчи босқичидан сўнг тўйинган рападан вакуум-фильтр ёрдамида NaCl кристаллари ажратиб олинди, ундан кейин суюқ фазани 2-чи босқичда концентрлаш – буғлатишга йўналтирилди. Натижалар кўрсатдики, С : Қ = 4 : 1 ва NaCl чўкмаси қалинлиги 10,6 мм бўлганда, унинг филтрланиш тезлиги нам чўкма бўйича 4990 кг/м<sup>2</sup>·соатни ташкил этади. 2-чи босқичда 100 кг рапага нисбатан 19,2 дан 55 кг гача ёки 19,2 дан 55% Н<sub>2</sub>О гача буғлатилди (1-расм, б). Бунда суюқ фазанинг қаттиқ фазага нисбати 29,0 дан 4,9 гача камаяди, MgCl<sub>2</sub> концентрацияси эса 24,01 дан 46,92% гача ортади ва NaCl миқдори 8,01 дан 0,11% гача камаяди. CaCl<sub>2</sub> ва MgSO<sub>4</sub> миқдорлари минимумгача пасаяди (мос равишда 0,32 ва 0,11% дан 0,03 ва 0,04% гача). Чўккан натрий хлориднинг филтрланиши қуруқ чўкма бўйича 3811 кг/м<sup>2</sup>·соат ташкил этади. Концентрлашнинг 1-чи ва 2-чи босқичларида олинган кристаллар ўзининг таркиб ва сифати бўйича «Олий» маркага мос келади ва ГОСТ 51574-2000 «Озуқавий ош тузи. Техник шароитлар» меъёрларига жавоб беради, бу ерда NaCl миқдори 98,4% дан кам бўлмаслиги, кальций, магний, сульфат, эримайдиган қолдиқ ва сув масса улуши мос равишда 0,35; 0,05; 1,20; 0,10; 0,16 ва 0,70% дан кўп бўлмаслиги лозим.

Кейинчалик магний хлориди суюқланмасини совитиш йўли билан 0,09%

NaCl, 0,03% CaCl<sub>2</sub>, 0,03% MgSO<sub>4</sub>, 46,9% MgCl<sub>2</sub> тутган кристаллар олинди, у эса 99,6% бишофитга (MgCl<sub>2</sub>·6H<sub>2</sub>O) мос келади. Модданинг индивидуаллиги рентгенографик ва ИК-спектроскопик усуллар билан тасдиқланди. Шундай қилиб, маҳсулот қўшимча компонентлар миқдори бўйича ГОСТ 7759-73 «Магний хлориди (Бишофит). Техник шароитлар» талабларига жавоб беради.

Лаборатория тажрибалари асосида Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини ДС ва натрий карбонати билан тозалаш, кейинчалик тозаланган рапани икки босқичли буғлатиш йўли билан товар маркадаги бишофит ва натрий хлорид олиш жараёнининг технологик тизими ишлаб чиқилди ва моддий баланси ҳисобланди. 2-расмда Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини комплекс қайта ишлашнинг блок-тизими келтирилган.



2-расм. Караумбет ва Барсакельмас рапасини қайта ишлаш блок-тизими.

Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини бир вақтнинг ўзида ош тузи, кимёвий чўктирилган гипс ва бўр олиш орқали бишофитга қайта ишлашнинг ишлаб чиқилган технологияси «Farg'onaazot» АЖнинг ишлаб чиқариш шароитларига мослаштирилган модел ускунада синовдан ўтказилди. Бунда маҳсулотларнинг тажриба партияси ишлаб чиқарилди.



Техник-иқтисодий ҳисоблар кўрсатдики, 1 т бишофит таннари 1 106 663 сўм, четдан келтириладиган бишофит эса 450 АҚШ доллар ташкил этади. 15 минг т маҳсулот ишлаб чиқариш ташкиллаштирилганда иқтисодий

самарадорлик 5,53 млрд. сўмни ташкил этади. Бунда кўшимча равишда 23 минг т NaCl, 3,3 минг т CaSO<sub>4</sub>·2H<sub>2</sub>O ва 0,55 минг т CaCO<sub>3</sub> олинади.


Диссертациянинг «**Қараумбет ва Барсакельмас рапаси ва курук аралаш тузларини натрий сульфат, гидроксид ва оксид магнийга қайта ишлаш**» тўртинчи боби Қараумбет ва Борсакелмас кўллари тозаланган рапасини магний гидроксид олиш технологиясини, ундан ташқари Қараумбет ҚАТни комплекс қайта ишлаш асосида натрий сульфати ва магний оксиди олиш технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган.

Ишнинг дастлабки босқичида тозаланган рапани натрий ва кальций гидроксидлар билан нейтраллаш йўли билан магний гидроксиди олиш жараёни ўрганилди. Қараумбет ва Барсакельмас рапаси тоза эритмасининг кимёвий таркиби қуйидаги таркибда (оғир.%): Na<sup>+</sup> - 7,09; Mg<sup>2+</sup> - 2,29; Ca<sup>2+</sup> - 0,12; Cl<sup>-</sup> - 10,93; SO<sub>4</sub><sup>2-</sup> - 0,06 ва Na<sup>+</sup> - 9,61; Mg<sup>2+</sup> - 1,37; Ca<sup>2+</sup> - 0,13; Cl<sup>-</sup> - 18,84; SO<sub>4</sub><sup>2-</sup> - 0,070. Улар мос равишда 8,98% MgCl<sub>2</sub>, 18,02% NaCl, 0,009% CaSO<sub>4</sub>, 0,35% CaCl<sub>2</sub> ва 5,37% MgCl<sub>2</sub>, 24,45% NaCl, 0,01% CaSO<sub>4</sub>, 0,36% CaCl<sub>2</sub>.

Кальций ва натрий гидроксидлари меъёри қуйидаги келтирилган тенгламалар бўйича магний гидроксид ҳосил бўлишига стехиометриядан 95 дан 110% гача ўзгартирилди:



Компонентларнинг ўзаро таъсирлашиш жараёни 250 айл./дақ. аралаштириш тезлиги билан 25°С да 10 дақиқа давомида ўтказилди. Реакциядан кейин магний ионларини тиндириш давомийлиги – 120 дақиқани ташкил этади. 3-расмда NaOH ва Ca(OH)<sub>2</sub> меъёрига боғлиқ равишда



3-расм. Магний чўкиш даражасига натрий ва кальций гидроксиди меъёрининг таъсири.

Mg(OH)<sub>2</sub> чўкиш даражаси берилган.

Ундан кўринмоқдаки, чўктиригич меъёри қанча кўп бўлса, Mg(OH)<sub>2</sub> чўкиш даражаси шунча юқори бўлади. Мақбул меъёр 105% ҳисобланади, бунда магний гидроксиди чўкиш даражаси NaOH учун 99,41% ва Ca(OH)<sub>2</sub> учун 98,15% ташкил этади. Mg(OH)<sub>2</sub> олишда натрий гидроксиди анча самаралидир. Ундан ташқари эритмада кўшимча натрий иони кўпаяди, бу эса


кальцинацияланган сода ишлаб чиқаришдаги хомашё сифатида муҳимдир.

Бўтқа хароратига боғлиқ равишда магний гидроксид чўкмасини филтрлаш жараёни ўрганилди. Харорат қанча баланд бўлса, бўтқа шунча яхши филтрланади. Агарда 25°С да курук чўкма бўйича бўтқанинг филтрланиш тезлиги 725 кг/м<sup>2</sup>·соат ни ташкил этса, у вақтда 60°С да бу

кўрсаткич 222 кг/м<sup>2</sup>·соат гача ортади. Келиб чиқадики, бўтқани суёқ ва қаттиқ фазаларга самарали ажратиш учун нисбатан юқори ҳарорат талаб этилади. Mg(OH)<sub>2</sub> чўкмасини ажратгандан сўнг суёқ фаза таркибида NaCl тоза номокоби – сода ишлаб чиқаришнинг дастлабки тоза хомашёси қолади.

NaOH мақбул меъёрида олинган нам чўкма таркиби 31,31% Mg<sup>2+</sup>; 3,52% Cl; 0,04% SO<sub>4</sub><sup>2-</sup>, 19,98% H<sub>2</sub>O бўлади. Уни 100°C да доимий оғирликкача қуритилди. Магний гидроксид кимёвий таркиби “СТП ТУ КОМП 1-276-10” талаблари бўйича Б маркага мос келади (94% дан кам бўлмаган Mg(OH)<sub>2</sub>).

Унинг тузли таркибини аниқлаш учун рентгенографик тадқиқот ўтказилди. Рентгенографик таҳлил XRD-6100 дифрактометрида (Shimadzu, Японияда ишлаб чиқарилган.) ўтказилди. Минерал фазаларни таққослаш 2013 International Centre for Diffraction Data базасини қўллаш орқали амалга оширилди. Бунда CuK<sub>α</sub>-нурланиш (β-фильтр, Ni, ток режими ва трубка кучланиши 30 mA ва 30 kV) ва детекторнинг доимий айланиш тезлиги 4°/дақ. қўлланилди. Рентгенограмма расшифровкаси «The American Mineralogist crystal structure database» маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Рентгенограммада Mg(OH)<sub>2</sub> га хос бўлган 4,79; 2,72; 2,36; 1,9; 1,57; 1,49; 1,37 и 1,31Å интенсив чўққилари намоён бўлган.




4-расм. Магний гидроксиди рентгенограммаси.

Магний гидроксид ва натрий хлорид олиш жараёнининг технологик тизими ишлаб чиқилди ва моддий баланси ҳисобланди. Тавсия этилган технология «Farg’onaazot» АЖ нинг модел ускунасида синовдан ўтказилиб, маҳсулотнинг тажриба партияси ишлаб чиқарилди. 5-расмда Караумбет ва Барсакельмас тозаланган рапасини магний гидроксидга қайта ишлашнинг блок-тизими келтирилган. Агарда чўктиргич сифатида натрий гидроксид қўлланилса, унда суёқ фаза натрий хлорид, кальций гидроксидда эса натрий ва кальций хлоридлардан иборат бўлади. Биринчиси сода, иккинчиси эса рапани сульфатсизлантиш учун хомашё сифатида ишлатилади.

Ҳисоблар кўрсатдики, жаҳон бозорида техник магний гидроксиднинг ўртача нархи 300 АҚШ доллар бўлиб, маҳаллий хомашёдан 10 минг т маҳсулот ишлаб чиқаришдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик кальций ва натрий гидроксидлари қўлланилганда мос равишда 4,79 ва 1,44 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Қорақалпоқ кўллари рапасидан мақбул техник-

иктисодий кўрсаткичларга эга магний гидроксид ва натрий хлоридни амалий жиҳатдан олиш мумкинлигини кўрсатди.



**5-расм. Караумбет ва Барсакельмас кўллари рапасини магний гидроксидга қайта ишлашнинг блок-тизими.**


Кейинги босқичда Караумбет ҚАТни ювувчи воситалар таркибига кирувчи – юқори навли натрий сульфат ва кальцинацияланган сода хомашёси – натрий хлоридга қайта ишлаш жараёни ўрганилди. ҚАТ таркиби ўртача 43дан 61% гача  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ; 11 дан 15% гача  $\text{MgCl}_2$ ; 13 дан 19% гача  $\text{NaCl}$  оралиғида бўлади.

Тажрибалар учун таркиби (оғир.%):  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  – 60,69;  $\text{NaCl}$  – 18,81;  $\text{MgCl}_2$  – 15,30;  $\text{MgSO}_4$  – 0,42;  $\text{CaCl}_2$  – 0,31; э.қ. - 3,98; қолгани –  $\text{H}_2\text{O}$  бўлган намуна ишлатилди. Аввал, сувда эримайдиган қолдиқларни ажратиш йўли билан унинг тиниқ эритмаси тайёрланди. Бунда технологик омилларнинг мақбул шароитлари аниқланди: Қ : С нисбати 1 : 3, эритиш ҳарорати –  $25^\circ\text{C}$ , тиндириш вақти – 15 дақиқа, тиндириш ва фильтрлаш ҳарорати –  $40^\circ\text{C}$ . Бунда ҚАТнинг эриш даражаси 93%, ҚАТ эритмасининг тиниш даражаси – 94%, фильтрланиш даражаси қуюқлаштирилган бўтқа бўйича –  $1348 \text{ кг/м}^2 \cdot \text{соат}$ , филтрат бўйича эса  $1177 \text{ кг/м}^2 \cdot \text{соат}$ ни ташкил этади. Бунда эримайдиган қолдиқ таркиби куруқ масса ҳисобида: 16,01%  $\text{CaO}$ , 1,25%  $\text{MgO}$ , 19,9%  $\text{SO}_3$ , 6,59%  $\text{CO}_2$ , 61,33%  $\text{SiO}_2$  ташкил этади ва кальций сульфатининг 0,5 ва 2 сувли шакллари – 5,40; 4,28; 2,75; 2,68;  $2,47\text{Å}$  ва 5,20; 3,40; 3,16; 2,96; 1,79;  $1,52$ ;  $1,37\text{Å}$ , кальций карбонати – 3,88; 2,09; 1,91;  $1,88\text{Å}$  ва кремний оксиди – 3,38; 2,82; 2,44; 2,24; 1,98;  $1,43\text{Å}$  кўринишда намоён бўлади (6-расм).

Шундай қилиб олинган ҚАТ эритмаси кимёвий таркиби (оғир.%):  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  – 15,31;  $\text{NaCl}$  – 4,74;  $\text{MgCl}_2$  – 3,97;  $\text{MgSO}_4$  – 0,47;  $\text{CaCl}_2$  – 0,36;  $\text{CaSO}_4$  – 0,08 дан иборат.

ҚАТ массасини ташкил этувчи натрий сульфат минерали (умумий

массага нисбатан 60% дан ошиқ) ҳисобига, тиниқ эритмани совутиш йўли билан мирабилит ( $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ ) кристалларини ажратиб олиш тадқиқот ишлари олиб борилди. Бунинг учун совитиш жараёни  $-5^\circ\text{C}$  гача, ҳар  $5^\circ\text{C}$  да эса унинг қаттиқ ва суюқ фазалари таркибини аниқлаш ўтказилди.



**6-расм. ҚАТнинг сувда эримайдиган қолдиғи рентгенограммаси.**

Кўрсатдики, ҳарорат қанча паст бўлса, қаттиқ фазага мирабилит чиқими шунча юқори бўлади. Агар  $20^\circ\text{C}$  да  $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$  чиқими 11,69% бўлса, унда  $15^\circ\text{C}$  да бу кўрсаткич 31,35%,  $10^\circ\text{C}$  – 62,9%,  $5^\circ\text{C}$  – 81,58%,  $0^\circ\text{C}$  – 83,61% ва  $-5^\circ\text{C}$  – 85,43% гача ортади. Суюқ фазада эса  $\text{NaCl}$ ;  $\text{MgCl}_2$  ва  $\text{CaSO}_4$  миқдорлари мос равишда 4,94 дан 6,68% гача; 4,14 дан 5,52% гача ва 0,08 дан 0,11% гача ортади,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  аксинча 13,52 дан 2,51% гача камаяди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Мирабилитни кристалланиш ҳароратининг қуруқ аралаш тузлар эритмаси таркибига таъсири**


$T_{\text{крист.}}$ , $^\circ\text{C}$ .	Суюқ фазанинг кимёвий таркиби, %					Суюқ фазанинг тузли таркиби, %			
	$\text{Na}^+$	$\text{Mg}^{2+}$	$\text{Ca}^{2+}$	$\text{Cl}^-$	$\text{SO}_4^{2-}$	$\text{Na}_2\text{SO}_4$	$\text{MgCl}_2$	$\text{NaCl}$	$\text{CaSO}_4$
25	7,92	1,01	0,022	5,83	10,41	15,31	3,97	4,74	0,08
20	6,32	1,06	0,024	6,08	9,19	13,52	4,14	4,94	0,08
15	5,49	1,16	0,026	6,62	7,14	10,51	4,55	5,32	0,09
10	4,22	1,30	0,029	7,46	3,89	5,68	5,08	6,06	0,10
5	3,51	1,41	0,032	8,14	1,96	2,82	5,54	6,61	0,11
0	3,44	1,43	0,032	8,22	1,75	2,51	5,52	6,68	0,11
-5	3,37	1,44	0,032	8,29	1,56	2,23	5,64	6,74	0,11

$\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$  кристалларини ажратиб олиш учун  $0^\circ\text{C}$  да олинган  $1,6102 \text{ г/см}^3$  зичликка эга бўлган бўтқани 84 кПа ортиқча босимда вакуум-филтрда филтрланди. Бунда мирабилитнинг филтрланиш тезлиги  $2460 \text{ кг/м}^2 \cdot \text{соат}$  ни ташкил этади. Кўрсатдики, чўкма қалинлиги қанча кичик бўлса, бўтқанинг филтрланиш унумдорлиги шунча юқори бўлади.

Сувсиз  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  олиш мақсадида мирабилит чўкмасини 20-500 С ҳарорат оралиғида 10-12 град./дақ., модда оғирлиги 150-200 мг, гальванометрлар сезувчанлиги ДТА-1/1, ДТГ-1/50, ТГ-250 бўлган термик таҳлил ўтказилди.

